

РЕВМАТОИД АРТРИТ КАСАЛЛИГИДА ҲАРАКАТ ТАЯНЧ МУШАКЛАРИ ЗАРАРЛАНИШИ

Ахмедов И. А.

**Самарқанд давлат тиббиёт университети Доцент Н.А. Абдуллаев номидаги 1-сон
ички касалликлар кафедраси Ўзбекистон, Самарқанд**
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17994294>

Ревматик касаллигида бўғим зарарланиши кўп йиллар давомида яхши ўрганилган, лекин бу касалликда таянч-ҳаракат тизимидаги мушакларининг зарарланишларига бағишланган маълумотлар етарли эмас. Шунингдек ревматик касаллигида таянч-ҳаракат тизими мушакларининг зарарланишлари ҳақидаги келтирилган маълумотлар бир-биридан кескин тафовут қилади.

Ишнинг мақсади: Ревматоид артрити билан касалланган беморларда зарарланган мушаклар кучини касаллик давомийлиги ва касаллик фаоллик даражасига боғлиқ ҳолда 5 баллик шкаладан фойдаланиб баҳолаш.

Тадқиқот материали ва методлари: СамДТУ клиникаси ревматология бўлимида Европа ревматизмга қарши курашиш лигаси (EULAR) ревматоид артрит тасниф меъзонларига мувофиқ РА ташҳиси қўйилган 109 нафар беморлар: шундан 98 нафар (89,9%) аёллар ва 11 нафар (10,1%) эркеклар тадқиқотга жалб қилинди.

Олинган натижалар: РАда мушаклар кучини касалликнинг давомийлиги бўйича таҳлилида 0 ва 1 баллик ҳамда 5 баллик даражадаги мушаклар кучи аниқланмади. 2 балл даражасидаги жуда заиф ҳолати 5 йилгача 5 нафар (5,58%), 6-10 йилгача 2 нафар (1,83%), 11-15 йилда 5 нафар (5,58%), 16-20 йилда 9 нафар (8,25%) ва 20 йилдан ошганда 15 нафар (13,76%) ни ташкил этди. 3 баллик даражадаги мушаклар зарарланиши 5 йилгача бўлган даврда 9 нафар (8,25%), 6-10 йилгача 11 нафар (10,09%), 11-15 йилгача 17 нафар (15,59%), 16-20 йилгача 11 нафар (10,09%) ҳамда касаллик давомийлиги 20 йилдан ошган беморларнинг 10 нафар (9,17%) да аниқланди. Ра касаллигида зарарланган мушакларда 4 баллик даражадаги мушаклар кучи 5 йилгача 9 нафар (8,25%) беморларда, касалликнинг 6-10 йилгача давомийлигида 5 нафар (4,58%), 11-15 йилгача даврида 1 нафар (0,97%), тадқиқотимизда касаллик давомийлиги 16 йилдан ошган беморларда мушак кучининг 4 баллик даражаси кузатилмади. Касалликнинг барча фаоллик даражаларида 0 - 1 баллик ва 5 баллик даражадаги мушаклар кучи аниқланмади. Касаллик фаоллигининг I даражаси бўлган беморларда 2 баллдаги мушак кучи 7 нафар (6,42%) ни, 3 баллик 19 нафар (17,43%), 4 баллик эса 5 нафар (4,58%) да кузатилди. Касалликнинг II фаоллик даражасида 2 баллик мушак кучи 11 нафар (10,09%) ни, 3 баллик мушак кучи 18 нафар (16,51%) да, 4 баллик мушак кучи 7 нафар (6,42%) ни ташкил этди. Касалликнинг III фаоллик даражасида 2 баллик мушак кучи 18 нафар (16,51%) ни, 3 баллик 21 нафар (19,26%), 4 баллик даражадаги мушаклар кучи эса 3 нафар (2,75%) беморларда аниқланди.

Хулоса: Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, РА билан касалланган беморларнинг барчасида мушаклар кучи пасайиши касалликнинг илк йилларидан аниқланди. Беморларда ташқи томондан берилган кучга жавобан жуда заифликда қаршилиқ кўрсатиши касалликнинг узоқ давомийлигида ёки булмасам юқори фаоллик билан кечишида намаён бўлди.